# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 21-IYUN, JUMA, 76 (8157)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Қўшма корхонанинг электр трансформаторлари электр энергияси сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизимни жорий этишда жуда қўл келади. АСКУЭ деб номланган ушбу янги тизимнинг афзал жиҳати шундаки, у электр энергиясини тежаш имконини беради... 2



Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Туркистон Улуғбек бизнес» масъулияти чекланган жамиятида Африка лаққасини мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш ва ундан юқори сифатли парҳез маҳсулот олиш йўлга қўйилди. Иссиқсевар ушбу балиқнинг вазни олти ойда 3 килограммдан ошди. Ҳолбуки, дўнгпешона балиқнинг вазни 1,5 килограммга етиши учун бир йил зарур бўлади. 3



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августда қабул қилинган «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни Қарши шаҳридаги «Еркўрғон деҳқон бозори» ОАЖ мисолида яққол кўриш мумкин. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Жиззах Вилояти

**Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида деҳқонларимизнинг ушбу дамлардаги фаолиятига муносиб баҳо берди: «Ғаллачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда».**



# ҒАЛЛАКОРЛАР ҚАДДИГА МОНАНД КОМБАЙНЛАР ШАҲДИ ҲАМ БАЛАНД

Дўстлик туманида тажрибали деҳқонлар кўп. Шунинг учун ҳам туман чўлқуварлари «Бу йил бултургидан кўпроқ!», шиори билан меҳнат қилиб, ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам йил сайин ҳосил салмоғини ошириб келишяпти. Масалан, биргина ўтган йили олдинги йилдагига нисбатан 2 минг тонна ғалла, 3 минг тонна пахта кўп етказиб берилди. Ана шу икки йил давомида Юртбошимизнинг республика ғаллакорлари ва пахтакорларига йўллаган Табрикномасида мамлакатимизнинг илғор туманлари қаторида эътироф этилди. Бундан руҳланган туман меҳнаткашлари бу йил ҳам олдинги йиллардагидан кўпроқ ғалла ва пахта етказиб бериш учун уюшқоқлик билан меҳнат қилишяпти.

— Ғаллачиликдаги маррамиз — 41 минг 800 тонна!, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Убайдулла Турдибеков. — Бу маррани яқин кунларда забт этамиз. Ғаллазорларимизда жавлон ураётган 48 та ўрим-йиғим комбайнлари операторларининг, ўрилган ҳосилни ташиётган автотранспорт ҳайдовчиларининг, уларга хизмат кўрсатаётган таъминот ташкилотлари вакилларининг ва барча фермер-деҳқонларимизнинг азму шижоати шунга қаратилган.

Дўстликликларнинг гаплари билан ишлари бир. Биз туманнинг Раҳим Есенқулов номли сув истеъмолчилари уюшмасида ғалла ўраётган комбайнчилар ҳузурида бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Уюшма далаларида 6 та юқори қувватли комбайнлар ишлатилиб, кунига 120-130 гектар майдоннинг ғалласи ўриб-йиғилаётган экан. Дала дарғалари эса ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кун сайин суръат отига қамчи босишмоқда.

— Ўтган йилги мавсумда 800 гектар майдоннинг ғалласини ўриб-йиққан эдим, — дейди тажрибали комбайнчи Эркин Бойбўсинов. — Бу йил 1300 гектардан кам ўрмайман. Ҳозиргача ўрган майдоним бултургидан ошди.



Бу йил ҳосил олдинги йиллардагидан анча мўл. Комбайнларимизни қайси фермер даласига бошқариб кирмайлик, ярим майдонни ўриб-ўрмасимиздан, шартнома режаси бажариляпти. Фермерлар шартнома режаларидаги ҳосилга 10-15 тоннадан, баъзилари эса 50 тоннагача қўшимча дон топширишяпти.

Дарҳақиқат, шундай! Уюшма таркибидаги 46 та фермер хўжалигидан ўрим-йиғим ўтказилган 30 тасининг барчасида шартнома режалари ошириб бажарилиб, кўплаб устама ҳосил топширилди. Масалан, Рустам Абдумаликов бошлиқ «Илғор А.Т» фермер хўжалиги ғаллакорлари 23 тонна, Алишер Ҳакимов бошлиқ «Дониёрбек» фермер хўжалиги аъзолари 21 тонна, Зокир Мамажонов бошлиқ «Шомат» фермер хўжалиги деҳқонлари 20 тонна қўшимча дон етказиб бердилар.

— «Тома-тома кўл бўлур», деганларидай, ана шу йигирма-ўттизлардан уюшманинг 4 минг 200 тонналик ғалла хирмонига минг тоннага яқин қўшимча дон тўкиладиган бўлаяпти, — дейди уюшмада ҳосил ўрим-йиғимини ташкил этиш бўйича туман ҳокимлиги мутахассиси Олимжон Сандибоев. — Мана, кўрасиз, тағин 3-4 кун ичида уюшма ғаллакорлари худди шундай ғалаба муждасини йўллашади. Айниқса, Юртбошимизнинг куни кеча вилоятимизга ташриф буюриб, воҳамиз меҳнаткашлари ва хусусан, деҳқонлар шаънига айтган таърифли-тавсифли гаплари ғаллакорлар ва барча ўрим-йиғим иштирокчиларини янада унумли ишлаб, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, тезроқ ўриб-йиғиб олиш сари руҳлантириб юборди. Ҳозир барча фермер-деҳқону механизаторларнинг фикри-зикри Юртбошимиз мақтовларига муносиб бўлиб, ишончларини оқлашга қаратилган. Ғаллазорлардагина эмас, пахтазору боғларда, полиззору сабзавотзорларда, хуллас, барча жабҳаларда шу кўтаринкилик, шу юксак руҳ ҳукмрон!

Шунинг учун ҳам Дўстлик тумани ғалла хирмони шу кунгача 22 минг тоннадан ошди. Хирмон юксалмоқда, шунга монанд ғаллакорлар қадди ҳам!

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




Тошкент Вилояти

## ОБОДЛИКДА ИБРАТ БЕКОБОД

**Металлурглар шаҳри ҳисобланган Бекобод сўнгги йилларда ҳар жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Қурилиш, таъмирлаш ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор берилаётганлиги боис кўча-хиёбонлар, маҳаллаю гузарлар кун сайин чирой очяпти. Шаҳарда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик ўнлаб бинолар қурилмоқда.**

Замонавий сузиш ҳавзаси, "Ёшлик" спорт мажмуаси, Ҳ.Ғаниев номли болалар маданият ва истироҳат боғи, 15 минг томошабинга мўлжалланган "Металлург" ўйингоҳи, шаҳар ёшлар маркази, Ўзбекистон маҳалласининг янгитдан бунёд этилган гузари, "Ўзсаноатқурилишбанк"-нинг Бекобод филиали бинолари бугун шаҳар ҳуснига янада кўрк бахш этмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишлари шаҳардаги йирик корхоналар кўмагида, хусусан, "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Шаҳар ҳудудининг тўлиқ ободонлаштирилиши, йўлларнинг қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилишига "Sayyora-orzu" МЧЖ кўп тармоқли корхонаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Жамият томонидан ўтган даврда шаҳарга элтувчи катта автомагистраль йўлда 600 миллион сўмлик таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди. Айни вақтда корхона кунига 1000 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга. Амалга оширилаётган ишлар "Бекободни энг намунали ва кўркам шаҳарга айлантирамиз!" шиори остида янада кенг кўлам касб этмоқда.

Яқинда мана шундай хайрли ишлар билан танишиш, бу ерда тўпланган ободончилик бўйича бой тажрибаларни бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Бекободга ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ҳамда кўплаб мутахассислар ташриф буюрдилар ҳамда янги қурилган бино ва иншоотларни кўриб, юксак баҳо бердилар.

— Шаҳримизда Обод турмуш йилида 17 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши режалаштирилган, — дейди Бекобод шаҳар ҳокими Мамасобир Бухорбоев. — Ҳозирда режалаштирилган 32 та лойиҳанинг 18 таси амалга оширилди.

Тадбирда бу каби ишлар вилоят миқёсида ҳам изчил давом эттирилаётгани таъкидлаб ўтилди.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Наманган Вилояти

## ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

**Мингбулоқ тумани маркази Жумашўй шаҳарчаси йилдан-йилга кенгайиб, обод масканлардан бирига айланиб бораётир. Айниқса, "Озодлик" марказий автомобиль йўлининг қайта реконструкция қилиниб кенгайтирилганлиги, йўл чети бўйлаб кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилганлиги шаҳарчага ўзгача чирой бағишлади.**

Айни кунларда туман марказидаги "Дўстлик" маданият ва истироҳат боғи ҳудудида улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида 150 ўринга мўлжалланган 2-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қад ростламоқда. Умумий қиймати 2 миллиард 448 миллион сўмга яқин бўлган мазкур иншоот қурилиши "Истиқлол жавоҳири" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами ҳам тобора яқинлашмоқда, — дейди иш юритувчи Ёқубжон Ҳакимов. — Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг яхши удумларидан ҳисобланади. Биз ҳам қутлуғ санани муносиб равишда қаршилаб, мазкур мактаб биносини байрам туҳфаси сифатида топширмоқчимиз. Шу боис, қурилиш ишларини жадал суръатларда давом эттириб, барча имкониятларни ишга соляпмиз. Бу борада ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Абдулазиз Отабоев, ишчилар Абдулҳай Йўлдошев, Ғайбулло Дадабоев, Нурилло Қўлдошевлар бошқаларга ўрнак бўлиб меҳнат қилишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Бухоро Вилояти

# ТИЛ БИЛГАН ФЕРМЕР ИШ БИЛАДИ

## БУ ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ЯНАДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

***Тил билган инсоннинг ҳурмати, мавқеи, мартабаси ҳамиша бошқаларга нисбатан бироз устун қўйилган. Зеро, тил билган киши билим ва кенг дунёқараш эгаси сифатида нафақат ўз элининг, балки ўзга халқларнинг ҳам урф-одатини, маданиятини, турмуш тарзини ўрганиб олиш имкониятига эга шахс ҳисобланади. Хусусан, бугунги ахборот ва телекоммуникация соҳаси шиддат билан ривожланаётган, технологиялар жадал тараққий этаётган замонамизда киши қайси касб-ҳунар эгаси бўлишидан қатъи назар, тил ўрганиш ҳар доимгидек ҳаётий зарурат саналиб, мазмун-моҳиятига кўра бунинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.***

**Ёқуб ФАТТОЕВ,**
*Пешку туманидаги "Фаттоев" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши аъзоси.*

Бу фикрларимни ўз шахсий ҳаётим мисолида изоҳлашга ҳаракат қиламан. Болалигимдан тил ўрганишга жуда қизиққанман. Шу сабаб инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб етишдим. Гарчанд ўқитувчи бўлсам-да, қишлоқда яшаганим боис, чорвачилигу даладеҳқончилик ишларининг ҳадисини ҳам олганман. Шу боис, Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда бошланган фермерлик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилдим. Пешку туманида 3 гектар ер олиб, "Фаттоев" фермер хўжалигини ташкил этдим. Айни кунда кўп тармоқли фермер хўжалигим ихтиёрида 147 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 43,7 гектарида пахта, 35 гектарида ғалла, 2 гектарида сабзавот ва полиз, 27 гектарида чорва озуқаси етиштирилади. 40 гектар майдонда эса мевали боғ барпо этилган. Хўжаликда пахта ҳосилдорлиги кейинги икки йилда 6 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 16 центнерга, сут етиштириш 23 тоннага кўпайди. Жами даромадлар миқдори эса 264,7 миллион сўмдан 349,6 миллион сўмга ошди. Шунингдек, кейинги йилларда 1 та умумий овқатланиш, 2 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуриб ишга тушириб, қишлоқ аҳолисига қулайлик яратдик.

Фермерлик фаолиятимда ҳам инглиз тилини пухта эгаллаганим асқотди. Президентимиз томонидан қишлоқ мулкдорларига жаҳондаги аграр соҳа тараққий этган давлатларга бориб, уларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда илғор ғояларни мамлакатимизда ёйиш мақсадида яратиб берилган шароитлардан фойдаланиб, ўзбек фермерларининг вакили сифатида АҚШ, Германия, Голландия, Бельгия каби дунёнинг бир қатор мамлакатларида бўлганимдан фахрланаман. 2001–2003 йилларда Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтон шаҳридаги Халқаро Мэрлинд университетининг аграр ва табиий ресурслар факультетида талаба ҳамда тингловчиларга "Ўзбекистонда фермерларга яратилган имтиёз ва қулайликлар" мавзусида маърузалар ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Таклифимга биноан шу университетнинг етук мутахассислари бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюришди. Бугунги кунда ҳам мазкур университет билан бевосита ҳамкорлик доирасида юртимиздаги бир қатор таълим муассасаларида аграр соҳанинг бўлажак мутахассисларига сабоқ бериб, ўз тажрибаларимни уларга ўргатиб келаяпман. Ана шуларни назарда тутиб айтишим мумкинки, тил билиш бошқа касб эгалари қатори фермер учун ҳам кони фойда.

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарор тил билиб, дунё кўрган фермер сифатида менда мамнуният ҳиссини ҳосил қилди. Чунки ушбу қарор эртанги кунимизнинг эгалари бўлган ёшларнинг чет тилларни пухта ва мукаммал эгаллашлари учун кенг кўламли имконият яратиб беради. Бу борада мамлакатимиз таълим соҳасида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Янги ўқув-методик манбалар яратиш, хорижий тил кабинетларини жиҳозлаш, фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш кабиларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Яна бир гап. Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни давр руҳи, замон талаби даражасида тарбиялашга, хусусан, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай фаол фарзандларимиз ўз интилишлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг амалий ёрдами билан фермер хўжаликларини ташкил этиб, ўз салоҳиятларини намоён этишмоқда. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, режалари ҳақида ўртоқлашаман. Аксарият ёш мулкдорларнинг кўнглида соҳани замон талаблари даражасида тараққий эттириш, замонавий технологияларни қишлоққа олиб кириш каби ниятлари бор. Ана шундай ёшларга чет тилларни мукаммал ўрганишни маслаҳат берган бўлардим. Чунки замон билан ҳамқадам одимлашни ният қилган қишлоқ мулкдорига тил билиш жуда зарур.

Ҳаммамизга маълумки, Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда аграр соҳада иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса қишлоқ хўжалигини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришдан иборатдир. Демак, ўз олдига шундай мақсадни қўйган қишлоқ мулкдори чет тилларни пухта билсагина, ўз йўналишидаги жаҳон талабларини ўзлаштириб, уларни амалиётга татбиқ эта олади. Бу жараёнда тил билиш жуда муҳим ўрин тутади.

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодий соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва фаол инвестиция сиёсати чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган. Кенг қамровли хусусийлаштириш жараёни хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга, ҳамкорликда турли йўналишларга ихтисослашган корхоналар ташкил этишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган “Elektr quvvati qurilmalari” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бунга мисол бўла олади.**



2012 йилнинг июнидан ташкил этилган мазкур корхона “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси ҳамда Хитойнинг “Holley metering limited” корпорацияси ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Қўшма корхона электр техникаси маҳсулотлари, аниқлик даражаси жаҳон стандартларига мос замонавий ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқариш, уларни текшириш ва синовдан ўтказишга ихтисослашган. Корхона йилига юз минг дона 0,4 киловольтли трансформаторлар тайёрлаш қувватига эга. Корхона ташкил этилганидан буён йигирма мингдан зиёд электр трансформаторлари ишлаб чиқарилди. Келгусида маҳсулот турини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида 35 киловольт кучланишгача бўлган ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Хусусан, 2013-2014 йилларда 6-10 киловольт кучланишли трансформаторлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарга етказиб берилади. Корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан буюртмачилар ишончини қозонмоқда.

– Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда, – дейди “Elektr quvvati qurilmalari” қўшма корхонаси бош директори Шин Хуаймин. – Кўплаб мамлакатларнинг, хусусан, Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиши катта. Қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, аввало, сифатига катта эътибор қаратяпмиз. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Асосий мақсадимиз яратилган ана шундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришдан иборат.

Шуни қайд этиш жоизки, қўшма корхонанинг электр трансформаторлари электр энергияси сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизимни жорий этишда жуда қўл келади. АСКУЭ деб номланган ушбу янги тизимнинг афзал жиҳати шундаки, у электр энергиясини тежаш имконини беради. Шунингдек, истеъмолчининг сарф қилинган электр энергияси учун ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришини таъминлайди. АСКУЭ тизимини Ўзбекистоннинг барча ҳудудида жорий этиш жадал олиб борилмоқда.

– Импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва ички бозорга ўлчов трансформаторларини етказиб бериш ҳамда кейинчалик уларни экспорт қилиш корхонамиз жамоаси олдидаги муҳим вазифалардандир, – дейди “Elektr quvvati qurilmalari” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Қаҳрамон Нурматов. – Мамлакатимиз электр энергетикаси тизими учун зарур ускуна ва қурилмалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган рангли металл захиралари, хомашё ресурсларига бой, энг асосийси, етук мутахассисларга эга. Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланамиз. Бу маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса арзон бўлишига хизмат қилаётир. Ўтган йили VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этдик. Тадбир бизга янги шериклар топиш имконини берди. Ярмаркада ўн саккизта шартнома тузишга муваффақ бўлдик.

“Elektr quvvati qurilmalari”да йигирмадан зиёд киши меҳнат қилади. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

– Мазкур корхонада ишлаётганимга бир йил бўлди, – дейди цех оператори Зоҳиджон Юсупов. – Бу ерда ишчилар учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва дам олиш бўйича барча шароит яратилганидан мамнунмиз.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани ўзининг ана шундай юксак самараларини бераётир. Юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилаверади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

**Ўтган йили Мингбулоқ тумани ғаллакорлари бошоқли дон етиштириш ва уни давлатга сотиш бўйича яхши натижаларни қўлга киритиб, илғорлар қаторида эътироф этилган эди. Халқ орасида “Довон ошган чўққини кўзлайди”, деган ибора тез-тез ёдга олиниб туради. Хўш, мингбулоқлик фермерларнинг бу йилги натижалари қандай бўлаяпти? Ана шу каби саволларга жавоб излаб, туман ғалла майдонларида бўлдик.**

# МИНГБУЛОҚНИНГ СОФ НИЯТЛИ ФЕРМЕРЛАРИ

– Туманимиз бўйича жами 313 та фермер хўжаликлари томонидан 8965 гектар майдонда бошоқли дон етиштирилди, – дейди туман ҳокими Бозорбой ака Ҳайдаров. Гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 43,4 центнердан белгиланиб, ялпи ғалла хирмони 38900 тоннани ташкил этиши кўзда тутилган. Шундан 25590 тоннаси давлат эҳтиёжи учун шартнома асосида “Наманган-донмаҳсулотлари” корхонасига етказиб берилади.

Обод турмуш йили деҳқончилик юмушлари учун хосиятли бўлмоқда. Кези келганида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йил куз об-ҳавоси қулай келиб, очиқ майдон ҳамда ғўза қатор ораларига ўз вақтида бошоқли дон экинларини жойлаштириб олиш имкониятига эга бўлинганди. Қишда вақти-вақти билан қор ва ёмғирлар ёғиб турди. Айниқса, баҳор об-ҳавоси деҳқонларимизни янада қўллаб, қарашиб юборди. Хуллас, бундай қулай иқлимдан унумли фойдаланган туманимиз фермерлари мўл-кўл ғалла хирмони учун мустаҳкам замин яратишга эришдилар.

Айни пайтда барчамизнинг диққат-эътиборимиз Президентимизнинг жорий йил 6 майдаги “2013 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини сўзсиз бажаришга қаратилган. Туман бўйича 27 та ғалла ўриш отрядлари шакллантирилган бўлиб, улар таркибига 103 нафар фаол аъзолар жамланган. Айни кунларда туман ғалла майдонларида 27 та юқори унумли ғалла ўриш комбайнлари ишлатилиб, улар ёрдамида кунига 460-480 гектар майдондаги бошоқли дон экинлари ўриб-янчилмоқда. Катта меҳнат ва сарф-харажат ҳисобига етиштирилган ҳосилни ўз вақтида “Намангандонмаҳсулотлари” корхонаси омборхоналарига ташишда “Малик Мангу транс” хусусий корхонаси томонидан ажратилган 125 та юк ташиш транспортларининг ҳайдовчилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

“Чинор-2000” фермер хўжалиги нафақат “Истиқбол” ММТП ҳудудида, балки Мингбулоқ туманида илғорлар қаторида тилга олинади. Мазкур хўжаликнинг жами ер майдони 102 гектар бўлиб, шундан жорий ғалла ҳосили учун 48 гектар ерда буғдойнинг “Чиллаки” нави етиштирилди. Йил давомида астойдил қилинган меҳнат, сарфланган харажатлар ўз натижасини кўрсатиб, ғалла майдонларида кўзланганидан ҳам кўра мўл ҳосил яратилган.

– Ҳосил чўғидан кўзларимиз қувнаб, дилларимиз яйраб, чарчоқ нималигини билмай ҳам қоляпмиз, – дейди 21-ғалла ўриш отряди раҳбари Абдурасул Аҳмедов. – Қаранг, ҳар гектар ердан ўртача ҳосилдорлик 50 центнер ўрнига 63 центнерданга тўғри келяпти. Бундан фермернинг ҳам, хўжалик аъзоларининг ҳам кўнгли чоғ, кайфияти аъло бўлаётир. Уларнинг хурсандчилигига биз ҳам шерик бўлиб, янада самарали ва сифатли ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Ғалла ўримида “Класс-доминатор” комбайни операторлари Мадамин Муродов, Зокиржон Қўқонов, юк ташиш машиналари ҳайдовчилари Бахтиёр Йўлдошев, Абдуманноб Қирғизов ва бошқалар ғайрат-шижоат кўрсатиб, меҳнат қилишяпти.

Мазкур фермер хўжалиги далаларида ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилаётир. Жумладан, 54 гектар ерда ғўзанинг “Андижон-35” нави парваришланаётган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 32 центнердан, ялпи пахта хирмони 172 тонна этиб белгиланган.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

*“Чинор-2000” фермер хўжалиги иш юритувчиси Ойбек Ғозиев 21-ўрим отряд раҳбари Абдурасул Аҳмедов билан.*

– Ғалладан мўл-кўл хирмон яратилди, – дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Ойбек Ғозиев. – Бу, ўз навбатида, бизларни янги зафар марралари сари руҳлантиради, албатта. Чунки давлат эҳтиёжидан ортган ғалла фермер хўжалиги аъзоларига ҳамда фермер хўжалигини ривожлантириш учун қолдирилмоқда. Айни пайтда фермер хўжалигимизнинг 50 нафар аъзоси бўлиб, улар орасида деҳқончилик юмушларини пухта эгаллаган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Тожиддин Нурматов, Илҳомжон Тошназаров, Ҳабибулло Каримов сингари миришкор сувчиларимиз, Мухторжон Ҳайдаровдек моҳир механизаторларимиз, Ҳалимахон Ғозиева, Муяссархон Эргашева каби илғорларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келинмоқда. Натижада хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари мустаҳкамланиб, фермер хўжалиги аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги яхшиланиб бормоқда. Шунингдек, хўжалик ихтиёридаги ғўза қатор ораларига ишлов берадиган иккита “МТЗ-80-11” ҳамда битта “Т-4” ҳайдов тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги юмушларида ишлатиладиган техника воситалари деҳқонга қанот бўлиб, деҳқонларимиз юмушини енгиллаштиришда қўл келаётир.

– Фермер хўжалигига раҳматли отамиз Олимжон ака Эргашев асос солгандилар, – дейди фермер Одилжон Эргашев. – Отамиз бошлаб берган ишларни биз – фарзандлар томонидан давом эттирилаётганлигидан, шунинг ортидан эл-юртга озми-кўпми нафимиз тегаётганлигидан хурсандмиз. Мана, ғалла сотиш шартнома режасини ортиғи билан бажариб, худо хоҳласа, пахтачиликда ҳам яхши натижаларни қўлга киритиш ниятидамиз.

Мингбулоқ туманида бундай соф ниятли фермерлар кўпчиликни ташкил этади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ИДОРАВИЙ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЮЗЛАНМОҚДА

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан идоравий қонун ижодкорлиги соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар мавзусига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда таъкидланганидек, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган шу турдаги ҳужжатлар мамлакатимиз қонунчилиги меъёрларини бевосита амалиётга қўллаш билан боғлиқ қоидаларни ўзида намоён этади. Шу боис, улардаги меъёрларнинг мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг мақсад, вазифаларига мослигини текшириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг мазкур ҳужжатларни қабул қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибини бажариш ишларини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш талаб этилади. Мазкур вазифалар ҳукумат қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган бўлиб, бу борадаги қонунчилик йилдан-йилга такомиллашмоқда, вазирлик ваколати кенгаймоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мезонлари аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги қарорига биноан Адлия вазирлиги томонидан “Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари” ишлаб чиқилди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ Адлия вазирлигининг идоравий қонун ижодкорлиги соҳасидаги вазифалари янада такомиллаштирилди. Унга кўра, вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатлар тоифасига киритиш ҳақидаги қарор Адлия вазирлиги томонидан қабул қилиниши белгиланди.

2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни эса вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги масъулиятини янада ошириш, бу борадаги ишларни сифат ва самарадорлик жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Хусусан, Қонунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланди. Бунга қадар, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгач, ўн кундан кейин кучга кириши белгилаб қўйилган эди.

Бундан ташқари, Қонуннинг 13-моддасида идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик масаласи ўз ифодасини топган бўлса, мазкур Қонуннинг 27-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Матбуот анжуманида идоравий қонун ижодкорлиги соҳасида учраётган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Таъкидланганидек, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ёки уларда белгиланганидан бошқача қоидаларни ўз ичига олмаслиги лозимлиги белгиланган бўлса-да, айрим вазирлик ва идоралар фаолиятида бу қоидага ўз вақтида амал қилинмаяпти. Натижада бундай ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши асосли тарзда рад этилмоқда. Шу боис, бу каби камчиликларнинг олдини олишда вазирлик ва идораларда юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Тадбирда, шунингдек, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш услуби, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиблари, ушбу турдаги ҳужжатларни қўллашда субъективликнинг олдини олиш юзасидан берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Мустақиллик йилларида давлатимиз кўплаб йўналишлар бўйича, жумладан, минерал хомашёлар қазиб олишда ҳам жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз олтин ва ураннинг тасдиқланган захиралари ва уларни қазиб олишда етакчи давлатлар қаторида бўлиб, биринчи ўнталикка киради.**

# ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШГА ЛИЦЕНЗИЯЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ер қаъридан фойдаланиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ҳозир мамлакатимизда 1,7 мингдан ортиқ кон мавжуд. 235 углевод, қарийб 620 чучук ва минерал ер ости сувлари, олти юздан зиёд қурилиш материаллари конлари шулар жумласидандир. Хорижлик ва маҳаллий сармоядорларга фойдали қазилмаларни геологик излаш ва қазиб олиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

Хусусан, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун ер қаъридан фойдаланишга, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 2 майдаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори номаъдан ва умумий тарқалган фойдали қазилмаларни кичик бизнес суъбектларига фойдаланиш учун беришга оид масалаларни ўз ичига олган. Тадбиркорлар тажриба-саноат йўсинида фойдали қазилмалар қазиб олиш, ярқирама тош хомашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекцион материаллар намуналарини тўплаш, геологик жиҳатдан ўрганиш каби мақсадлар учун ер остидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олиши мумкин.

2011-2013 йилларда таркибида номаъдан фойдали қазилмалар мавжуд бўлган 546 та ер қаъри участкаси очиқ савдоларга қўйилган. Шундан 326 та ер қаъри участкасига очиқ савдоларда қатнашиш учун буюртмалар берилган, шунингдек, илгари берилган лицензияларни узайтиришга оид 180 та буюртма олинган.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

# ҲАМ НОЁБ, ҲАМ САНОАТБОП

## *Янги узум навларининг яратилаётгани юртимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади*

**Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йилдан-йилга тараққий этмоқда. Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган мева-сабзавотлар нафақат аҳоли дастурхонига барака киритаётир, балки қайта ишлаш корхоналарида ҳам экспортбоп маҳсулотлар тайёрланаётир.**



Президентимизнинг узумчиликни ривожлантириш борасидаги қарори соҳани янада такомиллаштириш, яъни юртимизда истиқболли, ноёб узум навларини етиштиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Буни “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси тизимидаги қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларига мос бўлган ноёб, саноатбоп навли токзорлар барпо этиш, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда соҳага инновацион технологияларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мисолида кўриш мумкин.

Мазкур қарорга мувофиқ, юртимизда 22,5 минг гектар, шу жумладан, холдинг компаниясига қарашли корхона ва ташкилотлар томонидан 3,3 минг гектар янги токзорлар барпо этилмоқда. 2013-2015 йиллар давомида янги барпо этиладиган токзорлар майдони 7,3 минг гектарга етказилиши кўзда тутилган.

2012 йилда қайта ишлаш корхоналарида ноёб, саноатбоп навли токзорлардан олинган ҳосилдан 19,2 минг тонна узум хомашёси қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 30,1 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда компания тасаррувидаги токзорлар самарадорлигини ошириш, моддий-техник базасини яхшилаш ва соҳага илғор технологияларни татбиқ этиш мақсадида 73 та турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиниб, 320 гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий этилди.

Миллий матбуот марказида “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси томонидан ташкил этилган анжуманда ҳам келгусида жаҳон бозорида танилган номдор, истиқболли саноатбоп узум навларини кўпайтириш мақсадида “Мева-шарбат” илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ва “Ўсимликшунослик” илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда ички ва ташқи бозорда харидоргир, истиқболли 14 та номдор саноатбоп узум навлари кўпайтирилиши ҳақида сўз юритилди.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда компания томонидан қайта ишлаш корхоналари ва уларга хомашё етказиб берувчи агрофирма ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган. Мавсум бошидан тегишли вазирлик ва идоралар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мутасаддилари жалб қилинган ҳолда мева-сабзавотчилик ҳамда узумчиликка ихтисослашган туманларда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида кўргазмали-амалий семинарлар ўтказилиб, илғор фермер хўжаликлари рағбатлантирилиб келинаётир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача илғор фермер хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларида зарур бўлган технологиялар учун 400 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Шунингдек, компания мутахассислари томонидан токзорлардаги агротехник тадбирлар, нав танлаш, токзорларни касаллик ва заракунандалардан ҳимоя қилиш бўйича қўлланмалар тайёрланиб, фермерларга тарқатилди. Фермерларга кўмак бериш мақсадида ток экиш, нав танлаш ва агротехника масалаларида ҳам консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг тоғолди ҳудудларида узумчиликни ривожлантириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилиб, ушбу ҳудудларда янги токзорлар барпо этаётган фермер хўжаликларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинаётир.

Жорий йил баҳор мавсумида Жиззах вилоятининг тоғолди ҳудудларида янги токзорлар барпо этишга 180 минг дона ток кўчатлари олиб берилиб, лалми майдонлардаги сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадида 3 та артезиан қудуғи қазиб, ишга туширилди. Бунинг учун 425 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликларига ҳам амалий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўзида фермерларга 40 минг дона ток кўчатлари ҳомийлик ёрдами сифатида олиб берилди.

Фермер хўжаликлари тасаррувидаги токзорлар самарадорлигини ошириш уларга кўрсатилаётган сервис хизматларга бевосита боғлиқдир. Шу боис, компания томонидан республикамизнинг узумчиликка ихтисослашган 10 та туманида фермер хўжаликларига консалтинг-техник хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этилмоқда. Уларнинг дастлабкилари Паркент, Олтинсой ва Бахмал туманларида ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозирда ушбу марказлар узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик техникалари ва ишчи органлари, токзорларни касаллик ҳамда заракунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида пуркагичлар ва мосламалар билан таъминланмоқда.

Бундан ташқари, 180 гектар майдонда интенсив мевали боғлар барпо этилди. 2 та намунали чорвачилик комплекслари ва кичик фермаларда 500 бош қорамол, 45 мингта парранда ва 53,5 гектар майдонда балиқ парваришланиб, гўшт-сут маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Сирасини айтганда, мамлакатимизда истиқболли, ноёб узум навлари яратилаётгани нафақат ички бозорни сархил озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлдириш, балки экспорт салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Тошкент Вилояти

▼ 2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# АФРИКА БАЛИҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Туркистон Улуғбек бизнес» масъулияти чекланган жамиятида Африка лаққасини мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш ва ундан юқори сифатли парҳез маҳсулот олиш йўлга қўйилди.

– Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетини тамомлаганим ишда жуда қўл келаётир, – дейди хўжалик раҳбари Улуғбек Ҳошимов. – Ўтган йилнинг ноябрь ойида Малайзиядан Африка лаққасининг тўрт юз дона чавоқчасини олиб келдик. Ҳаво ҳарорати 10 даражадан паст бўлганда уларни иссиқлик тизимлари ўрнатилган ҳовузларда парваришладик. Иссиқсевар ушбу балиқнинг вазни олти ойда 3 килограммдан ошди. Ҳолбуки, дўнгпешона балиқнинг вазни 1,5 килограммга етиши учун бир йил зарур бўлади.

Африка лаққасидан бир кубметр сувда 300 килограммгача маҳсулот етиштириш мумкин. Синов даврида ушбу балиқни октябргача очиқ, кейин эса ёпиқ ҳавзаларда парваришлаш яхши самара бериши аниқланди. Ҳозир хўжаликда мингтадан кўпроқ балиқ парваришланмоқда.

Африка лаққаси ёз ойларида тез ривожланади. Сувсизликка чидамли бўлиб, қуруқда ҳам 47 соатгача яшай олади. Озуқа танламайди. Гўшти ширин, қилтаноқсиз, вазни 60 килограммгача етади.

Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази раҳбари Руҳилло Қурбоновнинг айтишича, мазкур балиқ турини иқлимлаштириш борасидаги изланишлар самарасида илмий жамоа томонидан эллик дона балиқдан иборат тўда яратилди. Ҳозир маҳаллий шароитда олинган дастлабки чавоқчаларни фермер хўжаликларига етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида халқимизнинг сифатли балиқ маҳсулотларига бўлган талаби таъминланмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятидаги сунъий кўл ҳавзаларида балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Навоий вилоятининг сунъий кўлларида фаолият юритаётган хўжаликлар бу борада яхши натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, ҳозир 583 минг гектардан зиёд кўл ва сув омборларида бир минг олти юздан зиёд корхона ва хўжалик балиқ етиштириш билан шуғулланмоқда. Ўтган йили қарийб 26 минг тонна балиқ етиштирилди.

Жорий йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган 448 лойиҳа тасдиқланиб, 178 минг гектар табиий ва 1 минг 658 гектар сунъий сув ҳавзалари балиқчиликни ривожлантириш учун ажратилди. Тўрт юз саксондан зиёд янги хўжалик ташкил этилиб, 1400 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан имтиёзли шартлар асосида қарийб 5,3 миллиард сўм кредит маблағи йўналтирилди. Жумладан, Наманган вилоятидаги “Наманганбалиқ” масъулияти чекланган жамиятига 120 миллион, Тошкент вилоятидаги “Голденфрешгрупп” масъулияти чекланган жамиятига 180 миллион сўм ажратилди.

Мазкур хўжаликларда зоғора, лаққа, дўнгпешона, хонбалиқ кўпайтирилмоқда. Олимларимиз балиқнинг маҳсулдор турларини маҳаллий озуқа асосида боқишнинг жадаллаштирилган технологиясини ишлаб чиқди. Минерал ўғитлар ва омихта ем сарфини камайтириш мақсадида ҳовузларда ўтхўр оқ амур балиғини боқиш яхши самара бермоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, инсон организми соғлом ривожланиши учун йил давомида 6–8 килограмм балиқ маҳсулотини истеъмол қилиши зарур.

Шу боис, олимларимиз балиқ етиштиришни ривожлантириш учун стеклопластик бассейнларда интенсив усулда балиқ етиштиришни кенг тарғиб этмоқда. Бунда балиқлар кичик сув ҳавзалари ва сувни исроф қилмайдиган ёпиқ тизимларда етиштирилади. Иқлим шароитимизни ҳисобга олиб, бассейнларда май-октябрь ойларида карп, ноябрь-апрелда эса хонбалиқларни етиштириш юқори самара беради.

Балиқчиликни янада ривожлантириш учун юртимизда сув ҳавзалари ресурслари ҳам, ишончли ва илмий асосланган лойиҳалар ҳам етарли. Мамлакатимизда етиштирилаётган балиқ турлари сафига Африка лаққаси сингари биз учун ноёб балиқларнинг қўшилиши халқимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Андижон Вилояти

▼ “ЁЗГИ ТАЪТИЛ - 2013”



# «ИСТИҚЛОЛ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ»

## БОЛАЖОНЛАРГА ФЕРМЕРЛАРДАН ТУҲФА

**Асака туманининг Ниёзботир қишлоғидаги анчадан буён қаровсиз қолган болалар оромгоҳи туман фермерлар кенгаши ихтиёрига берилган эди. Қарийб 6,5 гектар майдондан иборат мазкур оромгоҳ қисқа муддат ичида мукаммал таъмирдан чиқарилгач, барча қулайликларга эга, сўлим ва замонавий дам олиш масканига айланди. Бунинг учун 189 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.**

Эндиликда “Истиқлол қалдирғочлари” деб ном олган оромгоҳ яқинда 100 нафар ўғил-қиздан иборат мавсумнинг биринчи давра дам олувчиларини қабул қилди. Оромгоҳда болажонларнинг кўнгилдагидай ҳордиқ чиқаришлари билан бир қаторда жисмоний ва ақлий салоҳиятларини ўстиришлари учун машғулотлар дастури тузилиб, 21 нафар ходим бириктирилган. Ўндан ортиқ спорт ва фан тўгараклари очилди. Турли бадиий адабиётлар билан жиҳозланган кутубхона, кинотеатр, чўмилиш ҳавзалари ҳамда спорт майдончалари улар хизматида. Бундан ташқари, мавсум давомида турли мусиқий ва кўнгилочар тадбирлар, қизиқарли беллашувлар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Асака тумани фермерлар кенгаши раиси Иброҳимжон Қосимовнинг таъкидлашича, болаларнинг ёзги таътил мавсуми ниҳоясига етгач, мазкур муассасадан деҳқон ва фермерларнинг саломатликларини тиклашга хизмат қилувчи профилакторий сифатида фойдаланилади. Айни пайтда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда мутахассис-кадрлар ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан махсус лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**

○ Эълонлар

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жиззах вилояти Бахмал тумани ҳокимининг 15.06.2013 йилдаги 02-737-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.**

**1.** Умумий овқатланиш, меҳмонхона биноси қуриш учун, Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 900 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 30 600 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат, келинлар либосини сотиш дўкони биноси қуриш учун, Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 900 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 30 600 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бахмал тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 23 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бахмал тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 24 июль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 24 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 24 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 9 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 8 август соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бахмал тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 9 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 9 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиалидаги МФО 00122, СТИР 207122519, 22626000804920609001 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. Тел./факс: (8-372) 222-34-16, rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz **Лицензия:** RR:0001.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 23 июль куни соат 11:30 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани Фаробий кўчаси 333а-уйда жойлашган “Ўзстандарт” агентлиги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси балансидаги 2000 й. и/ч “Магнус” русумли, д/р 01 303 ОАА, бошланғич баҳоси 23 602 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

2013 йил 23 июль куни соат 12:00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели тумани Чоштепа кўчаси 21а-уйда жойлашган Давлат бионазорат балансидаги қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2001 й. и/ч “Дамас” русумли, д/р 01 125 FCA, бошланғич баҳоси 3 754 184 сўм, 2006 й. и/ч “УАЗ-315143-097” русумли, д/р 01 117 FCA, бошланғич баҳоси 1 263 034 сўм, 2005 й. и/ч “УАЗ-315123-011” русумли, д/р 01 122 FCA, бошланғич баҳоси 1 162 053 сўм, 2001 й. и/ч “УАЗ-33962” русумли, д/р 01 124 FCA, бошланғич баҳоси 2 441 533 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари 2013 йил 23 июль кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 30 июль, 6 ва 13 август ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:30 ва 12:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 3 (уч) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:30 ва 12:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг ОАТ «Турон» банк Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Истиқбол кўчаси 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67, факс: 236-26-65.

***Гувоҳнома № 004059***

**Вниманию организаций и предприятий!**

## ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

НА ОБЪЕКТ: **«Благоустройство и озеленение территории от ПК291+00 до ПК298+00 левого берега канала Шовот г.Ургенча».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 1 141 995 693 сум, с НДС 1 370 394 832 сум.**

Срок завершения строительства **- 5 месяцев**.

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется **за счет средств местного бюджета.**

***(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)***

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт**.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

## ҚАЙТА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосланган ҳолда, 2013 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва диагностикумларини (уларнинг номлари қабул қилинган атамаларда қайд этилди) харид қилиш мақсадида **2013 йилнинг 20 июль куни қайта очиқ тендер эълон қилади**:

| № лота | Наименование ветеринарных препаратов | Ед. изм. | Максимальная цена (сум) |
|---|---|---|---|
| 1 | Вакцина против ящура сорбированная моно и поливалентная жидкая (типы А,О, Азия-1) | доз | **995,0** |
| 2 | Вакцины против ящура для свиней | доз | **1 100,0** |
| 3 | Вакцина против оспы овец | доз | **50,0** |
| 4 | Вакцина против сибирской язвы животных из штамма 55 ВНИИВВиМ сухая/жидкая | доз | **34,0** |
| 5 | Антирабическая жидкая культуральная инактивированная универсальная вакцина "Биокан-R" из штамма "Внукова-32" * | доз | **1 150,0** |
| 6 | Вакцина УзНИИВжидкая инактивированная против бешенства животных | литр | **185 000,0** |
| 7 | Вакцина чумная живая сухая | чел.доз | **195,0** |
| 8 | Вакцина поливалентная против лептоспироза животных.II -вариант сухая/жидкая | доз | **719,0** |
| 9 | Вакцина против бруцеллеза: для крс шт-19 | доз | **153,0** |
| 10 | Вакцина против бруцеллеза овец и коз и инфекционного эпидидимита баранов из штамма Brucellamelitensis Rev -1 живая сухая | доз | **190,0** |
| 11 | Цестодоз собак(дегельментизация) | табл. | **80,0** |
| 12 | Концентрированная гидроокись-алюминиевая формолвакцина против эмфизематозного карбункула крупного рогатого скота и овец | литр | **38 400,0** |
| 13 | Концентрированная поливалентная гидроокисьалюминиевая вакцина против брадзота, инфекционной энтеротоксемии, злокачественного отёка овец и дизентерии ягнят | литр | **38 400,0** |
| 14 | Маллеин (аллерген для сап лощадей) | доз | **500,0** |
| 15 | Туберкулин ППД для млекопитающих | доз | **220,0** |
| 16 | Вакцина против чума птиц из штамм "Н" | доз | **4,00** |
| 17 | Сыворотка сибиреязвенная преципитирующая | литр | **488 000,0** |
| | Антиген сибиреязвенный бактерийный (стандартный) | литр | **1 318 712,40** |
| | Набор специфических компонентов для диагностики болезни овец вызываемой бруцеллой овис | шт | **1 318 71,24** |
| | Набор компонентов для диагностики бруцеллеза животных в РА, РСК, РДСК | набор | **163 618,0** |
| | Антиген бруцеллезный для кольцевой реакции с молоком (КР) | литр | **732 618,0** |
| | Антирабический флуоресцирующий глобулин (ДАФИ) | набор | **634 935,60** |
| | Набор для серологический диагностики лейкоза крупного роготога скота | набор | **1 613 000,0** |
| | Цветной бруцеллезный антиген для пластинчатый реакции агглютинации (РБП) | литр | **516 547,0** |
| | Набор для определения антител к вирусу гриппа птиц в РДП | набор 400 проб. | **58 274,30** |
| | Набор для выявления антител к вирусу гриппа птиц подтипа Н5 в реакции торможения гемаагглютинации | набор 300 проб. | **76 818,47** |
| | Набор для выявления антител к вирусу Шмалленберга | набор 192 проб. | **3 116 400,0** |

Товарларни етказиб бериш шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

**Ишчи орган номи: “SANOATNEFTEGAZMONTAJ-KONSALTING”** шўъба корхонаси.

**Таклифлар 2013 йил 19 июль куни соат 18-00 гача қабул қилинади.**

**Тендер ҳужжатларининг нархи**: ҳар бир лот учун 50 (эллик) АҚШ доллари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларга шу қийматга тенг бўлган сўмда.

**Тўлов шартлари**: пул ўтказиш йўли билан.

Ушбу тендерда қатнашадиган мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига белгиланган тартибда имтиёзлар берилади. Ветеринария препаратларининг баҳоси (нархи) Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 55-бандига асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бозор конъюктурасини ўрганиш натижасида берган хулосаларига асосан ўзгариши мумкин.

**Манзил**: Ўзбекистон Республикаси, 100115, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси 98-уй.

**Мурожаат учун телефонлар**: (+99871) 120-40-15, (+99871) 280-50-32. **e-mail:** sngmk@mail.ru.

**Буюртмачи телефонлари**: (+99871) 276-90-85, 276-49-92, факс: (+99871) 276-49-92. **e-mail:** dvbb@qsx.uz.

Қашқадарё Вилояти

▼ ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

# БОЗОР ТЎКИНЛИГИ – ЮРТ ОБОДЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августда қабул қилинган «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни Қарши шаҳридаги «Ерқўрғон деҳқон бозори» ОАЖ мисолида яққол кўриш мумкин.**

Бундан роппа-роса бир йил аввал мазкур бозор бошқаруви раҳбарлигига ишчан, тиниб-тинчимас, эртани ўйлаб иш тутадиган Тоштурди Тўраев тайинланган эди. Янги раҳбар ишни, энг аввало, қишда лой, ёзда чанг-тўзондан кўз очиб бўлмайдиган бозор ҳудудини тартибга солишдан бошлади.

Қисқа муддат ичида барча расталар қайта бўлиниб, рақамлаб чиқилди. Қуруқ мевалар билан савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар раста билан таъминланди. Дўконларнинг фасадлари янгидан таъмирланди. Бозор ихтиёридаги тарозилар сонини кўпайтириш мақсадида 35 дона замонавий электрон тарози олиб келиниб, фойдаланишга топширилди.






– Туманимиздаги Эсабой қишлоғида сабзи етиштирамиз, – дейди косонлик якка тартибдаги тадбиркор Шарофат Элмуродова. – 50 сотих ерда ҳосил мўл бўлди. Бундан ташқари, 20 сотих майдонда шолғом ҳам экканмиз. Маҳсулотларимизни арзон нархда, ҳар килограммини 500-600 сўмдан сотаяпмиз. Бунинг учун бозор маъмурияти биз учун барча шарт-шароитларни яратиб берган.

Деҳқон бозорида 11 та гўшт дўкони мавжуд бўлиб, унда мол ва қўй гўшти аҳолига мақбул нархда сотилмоқда. Гўшт дўконларининг барчасига витрина совиткичлар ўрнатилган.

– Ёшим 95 га яқинлашаяпти, – дейди уруш ва меҳнат фахрийси Очил ота Тошев. – Ерқўрғон бугунги кунда обод қўрғонга айланган. Бу ердаги тозалик, орасталик, қисқа муддат ичида амалга оширилган ишлар учун ҳукуматимизга раҳматлар айтамиз. Биз кекса авлод бу кунларга етганимизга шукроналик билдириб, ўғил-қизларимизга "Юртни асранг, обод қилинг", деймиз.

Деҳқон бозоридаги ветеринария лабораториясининг фаолияти ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Лаборатория мудираси Феруза Аслановaнинг маълум қилишича, бу ерга келтирилаётган ҳар бир деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари қатъий назоратдан ўтказилади. Дарвоқе, бу йилги полиз маҳсулотлари, яъни тарвуз ва қовунда нитратнинг рухсат этилган меъёри 60 миллиграмм ўрнига 17,5 миллиграммни ташкил этмоқда. Бироқ, "Гуручнинг ичида курмаги ҳам бўлади", – деганларидек, шу кунгача бир неча юз килограммлик ҳандалакларда нитрат миқдори кўп бўлгани учун далолатнома тузилиб, масъул шахслар жаримага тортилди.

– Иқтисодий кўрсаткичларда ҳам кўзланган натижага эришяпмиз, – дейди "Ерқўрғон деҳқон бозори" ОАЖ бошқаруви раиси Тоштурди Тўраев. – Жорий йилнинг ўтган беш ойида 387 миллион 300 минг сўмлик режани 395 миллион 42,9 минг сўмга ошириб бажардик. Бюджет режасини ҳам 187 миллион сўм ўрнига 197 миллион 800 минг сўм этиб адо этдик. Биз асосий эътиборимизни бозор ва ундаги савдо комплекси фаолиятини тартибга солишга қаратаяпмиз. Қисқа муддат ичида гуруч маҳсулотлари билан савдо қилувчи 40 га яқин раста ташкил этилди. Миллий ҳунармандчилик растаси ҳам тартибга келтирилди. 30 га яқин савдо растаси қайта таъмирланаяпти. Дуккакли экинлар билан савдо қилувчилар учун айвон барпо этилди. Шунингдек, бозор туридаги 58 та дўкон сифатли таъмирланаяпти. 120 ўринли ҳўл мева растаси ҳам ишга тушди. Бундан ташқари, бозордан ҳар куни 2,5-3 тонна маҳсулот вилоятдаги шаҳар ва туманлар бозорларига жўнатилади.

Ҳа, "Ерқўрғон деҳқон бозори" ОАЖ жамоаси ана шундай эзгу ва савоб ишларни амалга ошириб, ёз пишиқчилигида дастурхонимиз тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Муродулла КОМИЛОВ олган суратлар.*

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

# МЕВАЛАР ХИЛ-ХИЛ

*Ёз — она заминимиз, мевали боғларимиз саховати билан бозорларимиз турфа хил мевалар билан тўлиб-тошадиган палла. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида қуёшнинг беминнат нурларидан шира тортиб пишган шириндан-шакар олма, гилос, ўрик, шотут каби меваларни тўйиб тановул қилишга нима етсин. Ушбу мевалар инсон организми учун зарур витаминлар, фруктоза, глюкоза ва бошқа зарур моддаларга бойлигини айтмайсизми? Кези келганда севиб истеъмол қиладиган ушбу меваларнинг шифобахш хусусиятларини билиб қўйган яхши.*



## ГИЛОС

Энг эрта пишадиган данакли мевалардан бири гилосдир. Унда инсон организми учун фойдали витаминлар жуда кўп. Гилосни янги узилганида истеъмол қилган яхши. Чунки янги узилган гилос инсон организмига тетиклик бағишлайди. Меъдани тозалайди. Ташналикни кесади ва сафрони тўхтатади. Шакар ёки асал аралаштирилган гилос компоти болалар учун жуда фойдали бўлиб, бош мия фаолиятини яхшилайди. Гилос данагининг мағзидан парфюмерия саноатида кенг фойдаланилади.



## ОЛМА

Хушбўй, ширин ва нордон олмалар юракни қувватлантириб, инсон кайфиятини кўтариб, руҳиятини енгиллаштиради. Хамир ичида пиширилган олма эса иштаҳа очиб, заиф меъдани ишга солади. Халқ табобатида олма ёрдамида сурункали бод, товуш бўғилиши, камқонлик, ошқозон-ичак яллиғланиши каби касалликларни даволашда фойдаланилади. Шунингдек, олма таркибида инсон организми учун зарур бўлган тузлар бор.



## ЎРИК

Ўрик меваси таркибида қанд, пектин моддалар, органик кислоталар мавжуд бўлиб, ундан тайёрланган компот, жем жуда фойдали. Туршак ва баргак суви ташналикни қондириб, юракни қувватлантиради. Ивитилган туршак иситмани туширади. Совуқ мижозли кишилар ўрикни тоза асал билан ейишлари керак. Халқ табобатида ўрикнинг данаги ва туршагидан юрак-қон томир тизими касалликларини даволашда фойдаланилади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА тайёрлади.**

○ Реклама ва эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ 2013 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Сирдарё шаҳридаги 2-ФҲДЁ бўлими маъмурий биносининг қурилиши.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 615 619 480 сўм, ҚҚСсиз 513 016 234 сўм. **Қурилиш муддати** 225 кун.

**2. Мирзаобод туманидаги ФҲДЁ маъмурий биносининг қурилиши.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 620 258 678 сўм, ҚҚСсиз 516 882 232 сўм. **Қурилиш муддати** 225 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Гулистон шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 24-уй. Тел: (8-367) 235-09-69.

**Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8- 367) 227-64-42 ф.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.













Утерянные кадастровые документы и план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н массив Себзар д. 2 кв-ра 36, выданные кадастровой службой Алмазарского р-на на имя Мирзахмедовой Ферузы Абдулбокиевны, считать недействительными.

Утерянный угловой штамп ООО "IPAK YO'LI PETROL" (ИНН 206988439), выданный хокимиятом Чиланзарского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "RAXIMJONBOY" шахсий фирмаси номига Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Эски Жува бозори "Чорсу" автостанцияси манзилида жойлашган дўкон учун 09.07.2004 й.да берилган № 10100201010003 сонли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (27.08.2010 й., реестр № 0108683) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 496669435) Раҳматиллаева Шахло Машариповнага тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Частная фирма "TANSIQ-NARGIZA" объявляет об уменьшении уставного фонда с 3 016 346 сум до 1 533 173 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня объявления в СМИ по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н пл. Х.Олимжана д. 7 кв-ра 55, тел.: 237-14-08.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: М.Улугбекский р-н ТТЗ-2 д. 44 кв-ра 60, выданный БТИ М.Улугбекского р-на г. Ташкента на имя Эгамбердиева Азиза Иброхимовича, считать недействительным.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан (29.04.2013 й., гувоҳнома № 006571) рўйхатга олинган "SMART DISTRIBUTION" МЧЖга (ИНН 207181991) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG'URTA" суғурта компанияси шуни маълум қиладики: 0029644 рақамли суғурта полиси йўқолганлиги сабабли, ноҳақиқий ҳисобланади. Ушбу полис бўйича Компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормайди.

ООО "KATERING" (ИНН 204586458), зарегистрированное ИРСП Яккасарайского р-на ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан "JAVOHIRBEK-IBROHIMBEK FAYZ BARAKA" хусусий корхонасига берилган 6-199/2012 реестр рақамли ҳуқуқни Давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси (19.06.2012 й., ТА 1509145/15125-64) ва кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенное по адресу: массив Тансыкбаева 3, 35, 9, выданный Алмазарским БТИ на имя Тургунова Ильдара Абдурахмановича, считать недействительным.

ООО "OQSHOM OIL" (ИНН 206977111), зарегистрированное ИРСП Яккасарайского р-на г. Ташкента (07.10.2008 г., реестр № 004128-11), сообщает об уменьшении размера уставного фонда с 796 939 000 сум до 240 500 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 540-01-49.

"LANIT PLUS" МЧЖнинг (ИНН 300873931) устав фонди 18 000 000 сўмдан 3 200 000 сўмгача камайтирилди. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. 15-69-30.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-47, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.15
22026 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5